Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2014-yil 11-oktabr, shanba № 125 (3474)

МДҲНИНГ МИНСК САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9-10 октябр кунлари Минск шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.

МДҲ саммитининг асосий тадбирлари 10 октябр куни бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президентлар хавфсизликни таъминлаш, гуманитар соҳадаги алоқаларни кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президенти МДҲ бевосита мулоқотни қўллаб-қувватлаш, долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини берадиган тузилма, аъзо давлатларни барқарор ривожлантириш, уларнинг савдо-иқтисодий салоҳиятини фаол ишга солиш, хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш борасида ўзаро маъқул ёндашувлар, мувофиқлаштирилган амалий чоралар ишлаб чиқишга хизмат қиладиган майдон эканини таъкидлади.

Ислом Каримов саммит қатнашчилари эътиборини Ҳамдўстлик маконида тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш ва уни тезроқ ишга тушириш заруратига қаратиб, бу ўзаро савдо ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш учун имкон қадар кўп шарт-шароит яратишини қайд этди.

Маълумки, МДҲ доирасида муайян йилларни гуманитар мавзу билан номлаш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш анъанага айланган. Саммит қатнашчилари МДҲда 2016 йилни таълим йили, деб эълон қилишга келишиб олдилар.

Хавфсизлик масалалари муҳокама қилинар экан, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишини назорат қилиш, ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка оид ҳужжатларнинг лойиҳалари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида МДҲни янада ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этиш бўйича асосий чора-тадбирлар режаси ижросининг бориши таҳлил этилди, қатор ташкилий масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳамдўстликка раислик Қозоғистон Республикасига ўтди.

Минскка ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан музокара ўтказди.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада юқори поғонага кўтариш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон — Беларус муносабатлари дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Икки мамлакатнинг минтақавий ва халқаро масалаларга қарашлари ўхшаш ва яқин. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Беларус Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий иқтисодий шериклардан бири сифатида қарайди. Савдо кўлами йил сайин кенгаймоқда. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 193,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Беларусга экспорт қилинадиган пахта толаси, тўқимачилик саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, автомобиллар миқдори муттасил ошмоқда. Беларусдан Ўзбекистонга оғир юк ташувчи автомобиллар ва тракторлар импорт қилинади. Айни пайтда мамлакатларимиз биржалари, савдо-саноат палаталари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида бевосита ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан мулоқотлар давом этмоқда.

Суҳбат чоғида ўзаро муносабатларда савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар устувор экани, Икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Беларусь ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг фаолиятини кенгайтириш бу соҳадаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Беларус маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Беларусда ташкил қилинадиган йирик халқаро тадбирларда мунтазам иштирок этиб келади. Ўзбекистон вакиллари «Славянский базар в Витебске» халқаро санъат фестивалида, беларуслар «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент — Минск — Тошкент.

Сайлов — 2014

2014 йилги сайловни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов журналистларга сайлов округларини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини шакллантириш, сиёсий партияларнинг бўлажак парламент сайловларида иштирок этишига рухсат бериш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берди.

БАРЧА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШИГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

Тадбирда айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун бир юз ўттиз беш сайлов округи ташкил этилгани, уларнинг номланиши, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони кўрсатилган рўйхат матбуотда эълон қилингани таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси жорий йил 9 октябр куни ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси, унинг ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзолардан иборат таркибда тузилиши таъкидланди. Округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлашда уларнинг таркибига жамоатчиликнинг обрўли вакиллари киритилишига алоҳида эътибор қаратилди. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхати комиссиялар манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида маҳаллий ва хорижий журналистларга сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширган ишчи гуруҳи сиёсий партияларни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг имзоларини тўплаш сайлов қонунчилиги талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилгани ҳақида хулосага келгани маълум қилинди. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловда иштирок этишига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди.

ЎзА

Яхшиликлар оқимидан

СИРДАРЁ

Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги «Шипотекс» масъулияти чекланган жамияти фаолиятини кенгайтирди. Энди бу ерда нафақат катталар, балки болалар учун ҳам мавсумий кийимлар ишлаб чиқарилмоқда.

МАҲСУЛОТНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ЭКСПОРТГА

Ушбу корхонага энг замонавий тикув машиналарининг келтирилиши маҳсулот сифатини янада яхшилаш, турини кўпайтириш, ўндан зиёд ёшларни иш билан таъминлаш имконини берди.

— Айни пайтда йигирма тўрт хилдаги болалар ва катталар кийим-кечаклари ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди «Шипо-текс» раҳбари Примқул Ҳайдаров. — Тайёр маҳсулотимизнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда. Мақсадимиз — ташқи бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаш.

ЎзА

НАВОИЙ

Ишбилармон Муҳиддин Қобилов раҳбарлигида Қизилтепа туманидаги «Адиз бобо» кўп тармоқли фермер хўжалиги кун сайин юксалиб бораётир.

ХАРИДОРЛАР МАМНУН

Хўжалик таркибида ташкил этилган сутни қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Сагдиана агроиндустрия» масъулияти чекланган жамиятида 10 нафар йигит-қизнинг иш билан бандлиги таъминланган.

— Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар жуда харидоргир, — дейди АСМ ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Бахтиёр Бердиев. — Ҳудудда жорий йилнинг ўзида қатор янги хусусий корхоналар рўйхатга олинди, муҳими, уларда касаба уюшма фаолияти йўлга қўйилаётир.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

БУХОРО

Бухоро шаҳридаги «AZRUS TEXTILE» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида пояндоз тайёрлаш учун зарур хомашё саналган синтетик тола ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг вилоят бошқармаси ажратган 3 миллиард сўм миқдоридаги кредит ва корхонанинг ўз маблағи туфайли ана шу ишларни амалга ошириш мумкин бўлди.

СИНТЕТИК ТОЛА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛЯПТИ

Янги лойиҳа (маҳаллий иккиламчи хомашёдан фойдаланган ҳолда) тола ишлаб чиқаришда катта миқдордаги валютани тежайди. Бу эса маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва уни экспортга чиқаришда қўл келмоқда. Саъй-ҳаракатлар 10 нафар ёшларни доимий иш билан банд этиш имконини берди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Жорий йилнинг 13-15 октябр кунлари пойтахтимизда X Ўзбекистон халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан анъанавий ўтказиб келинаётган ушбу ярмарка самарасида жаҳон бозорида ўзбек пахта толасига бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Айни пайтда ярмарканинг нуфузи ортиб, кўлами кенгаймоқда. Жумладан, 2005 йилда ўтган дастлабки ярмаркада 30 мамлакатдан қарийб 170 компания вакиллари қатнашган бўлса, ўтган йили 40 давлатдан пахта ва тўқимачилик компанияларининг минг нафардан кўп вакили иштирок этди.

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ЯРМАРКАГА ТАЙЁР

Жорий йилда ярмаркада иштирок этувчилар сафи янада кенгайиши кутилаётир.

Ярмаркани юқори савияда ўтказиш учун барча зарур ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, ишбилармонларнинг ўзаро музокаралар олиб бориши ва шартномалар имзолаши учун барча шароит яратилди.

Пахта ва тўқимачилик тармоғи маҳсулотлари алоҳида павилонларда намойиш этилади. Кўргазма зали марказида турли навдаги пахта толаси ва ғўза уруғи намуналарини намойиш қилиш учун махсус стендлар ўрнатилган. Намойиш этиладиган тола намуналари «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази сертификатига эга. Марказнинг барча ҳудудий лабораторияларида HVI замонавий тизимидан фойдаланилаётгани пахта толасининг юқори сифатини таъминлаётир.

Тўқимачилик маҳсулотлари павилонида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг етакчи корхоналари ва хусусий тадбиркорларнинг экспортбоп маҳсулотлари билан танишиш мумкин бўлади.

Ярмарка доирасида мамлакатимиз дизайнерлари томонидан жаҳон мода тенденциялари ва миллий анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган ранг-баранг либослар намойишини ўтказиш режалаштирилган.

Халқаро шартнома тузиш ва тақдимот ўтказиш учун замонавий талаб ва стандартларга мос жиҳозланган конференция зали иштирокчилар ихтиёрида бўлади.

X Ўзбекистон халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мазкур соҳалардаги сўнгги ютуқлар билан танишиш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини ошириш ва мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

Наманган шаҳрининг Ахсикент даҳасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар сафига яна бир корхона қўшилди. 14 киши иш билан таъминланган «Анкабут Саноат Савдо» масъулияти чекланган жамиятида саккиз турда колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тадбиркор Бахтиёр Нишонбоев раҳбарлигидаги корхона жамоаси айни пайтда Янгиқўрғон туманидан етти гектар ер олиб, паррандачиликни ташкил этиш лойиҳаси устида иш олиб бормоқда.

Суратда: «Анкабут Саноат Савдо» масъулияти чекланган жамияти ишчиси Авазхон Асадуллаев.

ЎзА фотомухбири
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
олган сурат

Минтақавий семинар

Муносиб меҳнат тамойиллари амалда

Самарқанд шаҳридаги «Нодир Самарқанд» меҳмонхонасида «Меҳнат соҳасида асоссолувчи тамойиллар ва ҳуқуқлар» мавзуида минтақавий семинар бўлиб ўтди. Унда Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси вакиллари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда меҳнат соҳасида халқаро стандарт ва меъёрларни қўллаш, меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали усулларини амалиётда қўллашга алоҳида эътибор қаратилаётир. ХМТнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган 13 та конвенциясида кўзда тутилган омиллар изчил татбиқ этилмоқда. Бу 24 апрелда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Фуқаролар меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши: Ўзбекистон тажрибаси ва меҳнат соҳасидаги халқаро стандартлар» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам алоҳида эътироф этилган эди. Меҳнат муносабатларидаги халқаро ҳамкорлик, дунё тажрибасини ўрганиш юзасидан турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, куни кеча пойтахтда ўтказилган давра суҳбатини ҳам ана шу йўналишдаги ишлар сирасига қўшиш мумкин.

Самарқандда ташкил этилган минтақавий семинарни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Фарҳод Хидиров кириш сўзи билан очди.

— Меҳнаткашларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасида тадбирлар давомийлиги таъминланаётир, — деди кенгаш раиси. — Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган барча ишлаб чиқариш жабҳаларида мазкур мавзудаги давра суҳбати, семинарлар ўтказилишига эришилди. Туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилган кенгайтирилган анжуманларда фикр алмашиш баробарида баъзи муаммолар ҳам жойида ҳал этилди.

Умуман олганда, ходимлар меҳнати муҳофазаси ижтимоий шериклик тамойиллари асосида муҳофазаланаётир. Вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳамда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида имзоланган уч томонлама ҳудудий келишув, 30 та тармоқ келишуви ва 11138 та жамоа шартномаси орқали 403 минг нафардан ортиқ меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари кафолатланган. Касаба уюшма аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 96,7 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган.

Жамоа келишувларида ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, ходимлар учун узайтирилган асосий ва қўшимча таътиллар бериш, иш вақтларини Меҳнат кодекси ва Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари талаблари асосида белгилаш, меҳнат шартномалари тузиш, уларни бекор қилиш тартибларига риоя этилиши, ходимларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда тармоқ хусусиятларидан келиб чиқадиган бошқа масалаларга оид аниқ ва батафсил меъёрлар ўз ифодасини топган. Ижтимоий кафолатлар, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини, шу жумладан, болаларни соғломлаштиришни ташкил этиш каби жиҳатлар ҳам акс эттирилган.

(Давоми 2-саҳифада).

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133

2015 йил учун обуна бўлишни унутманг

Ishonch
2014-yil 11-oktabr № 125 (3474)

Муносиб меҳнат тамойиллари амалда

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўйлайманки, бугунги семинар касаба уюшмалари фаолиятини ривожлантириш, ходимлар ўртасида касаба уюшмаларига бўлган қизиқишни янада орттиришга хизмат қилади.

Сергеюс Гловацкас, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун Халқаро меҳнат ташкилоти Бюросининг бош мутахассиси:

— Халқаро меҳнат ташкилоти ўз Уставига биноан халқаро меҳнат нормаларини ўрнатиш ва улар билан шуғулланиш мандатига эга бўлган халқаро ташкилот, ваколатли орган саналади. Ташкилот томонидан 1998 йилда «Меҳнат соҳасида асосларга оид ва ҳуқуқлар тўғрисидаги Декларация» қабул қилиниб, уни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ алоҳида эҳтиёжга эга шахсларнинг, хусусан, ишсизлар ва мигрант меҳнаткашларнинг муаммоларига эътибор қаратиш ва уларни ҳал этишга қаратилган халқаро, минтақавий ва миллий саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштирган ҳолда ишга солиш, қўллаб-қувватлаш борасида фаолият амалга ошириб келинмоқда. ХМТ иқтисодий ўсишнинг адолат, ижтимоий тараққиёт ва қашшоқликни тугатиш муҳим омил эканлигини эътироф этиб, бу борадаги фаолиятни кенгайтириб бораверади.

Мазкур декларацияни амалга оширишнинг пухта механизми ишлаб чиқилган. Ижтимоий тараққиёт ва иқтисодий юксалиш ўртасида бўшлиқ юзага келишининг олдини олиш, меҳнат соҳасида асосларга оид ва ҳуқуқларни кафолатлаш, шахснинг эркин ва тенг имкониятлар асосида ўзлари яратган неъматлардан баҳраманд бўлиш ва бошқа қатор омиллар истиқболини кенгайтириш шулар жумласидан.

Антон Леппик, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси катта маслаҳатчиси:

— Фаолият асосини меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқлари, қонун билан муҳофазаланган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратиб келаётган Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси дунёда 175 миллиондан зиёд аъзога эга ташкилот саналади. Меҳнат муносабатлари барқарорлиги, иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларда қонун устуворлигини муттасил мониторинг қилиб боришдек масъулиятли вазифа уддалаб келинмоқда. Бугун дунё ҳамжамиятида чуқур ташвиш уйғотган иқтисодий инқироздан қатор мамлакатлар меҳнаткашлари озор чекаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Йирик ишлаб чиқариш корхоналари жиддий молиявий зарар кўрди.

Бозор муносабатлари шароитида ўзига хос ва ўзига мос йўлдан бораётган Ўзбекистонда кучли ижтимоий муҳофаза тизими яратилганлиги эътирофга сазовор. Давлат аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, эҳтиёжманд оилалар, боқувчисини йўқотганлар, кексалар, айни пайтда ўсиб-улғайиб келаётган ёшлар истиқболи, эртанги ҳаёти учун узоқни кўзланган сиёсат юритиб келаётир.

Маълумки, касаба уюшмаларининг халқаро миқёсда тан олинган муайян ҳуқуқлари мавжуд. Булар сирасига ходимга муносиб меҳнат, хавфсиз иш шароити яратиш, меҳнатга яраша маош билан таъминлаш, юзага келиши мумкин бўлган ишсизликнинг олдини олиш каби омилларни киритиш мумкин. Кўп йиллик кузатишларимдан маълумки, мамлакатингизда давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида самарали ижтимоий алоқалар ўрнатилган. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва касаба уюшмалари ўртасидаги алоқаларда мутаносиблик бор. Бу касаба уюшмаларига аъзо бўлишда қатор афзаллик ва қулайликлар туғилишига сабаб бўлаётир. Эътироф этадиган яна бир жиҳат, мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар бир ташкилот ўзини касаба уюшма аъзолари сафида кўришни истаётганидир. Бу аъзо ташкилотларнинг йилдан-йилга кўпайиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Харри Талига, Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти:

— Ўзбекистон замини мен учун қадрдон гўшалардан бирига айланган. Юртингизда тўртинчи бор бўлишим. Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандни ҳар гал ҳайрат ва ҳавас билан томоша қиламан. Қудратли аждодларнинг боқий бунёдкорлиги, истиқлол боис гуллаб-яшнаётган шаҳару қишлоқлар ҳавасимни уйғотади. Куни кеча Сирдарё ва Жиззах вилоятларида амалга оширилган бунёдкорлик, меҳнатидан завқ олаётган жамоалари вакиллар билан учрашдим. Бу ўлка ҳақида кўрганларим, билганларим янада бойиди. Жаҳон ХМТ Конвенциялари бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида ўзаро англашув меморандуми ва унга илова қилинган 2014-2016 йиллар учун Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича Дастур имзоланди. Вазирлар Маҳкамасининг 27 майдаги Қарори билан тасдиқланган «Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини 2014-2016 йилларда амалга оширишга доир Қўшимча тадбирлар комплекси»ни ҳаётга татбиқ этиш изчил давом эттирилмоқда.

М.Исаев ЎзКУФК томонидан шу каби йўналишларда амалга оширилаётган ишлар ва эътибор қилиниши лозим бўлган вазифаларга ҳам тўхталди.

***

Баҳс-мунозара, савол-жавобларга бой, ишчанлик руҳида ўтган семинар доирасида бир гуруҳ қатнашчилар билан мулоқотда бўлдик.

Усмон Каримов, Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнат муҳофазаси бўлими мудири:

— Мамлакатимизда меҳнат соҳасида қабул қилинган қонунлар ва қатор меъёрий ҳужжатлар ХМТ Конвенциялари талабларига тўла мос келади. Фуқароларимизга касб танлаш, муносиб шароитларда ишлаш имкони қонуний асосларда яратиб қўйилган.

Қонунлар доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларимизнинг ўзи истаган соҳада фаолият юритишига шароит бор. Қолаверса, режали равишда муттасил ўтказиб келинаётган «Меҳнат ярмаркалари» ишлаш истагида бўлган ҳар бир фуқарога қўл келмоқда. Аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қисми, яъни кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар давлат муҳофазасига олиниб, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Алишер Раҳматов, Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири:

— Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда мамлакатимизда ўсиб келаётган авлод вакилларининг манфаатлари кўплаб қонунлар доирасида тартибга солиб келинаётир. Касаба уюшмалари ҳам диёримизда фаолият юритаётган нодавлат-нотижорат ташкилотлари қаторида мазкур меъёрий ҳужжатлар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бормоқда.

Ходимлар меҳнати, айниқса, аёллар ва болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида изчил ишлар олиб борилаётир. Бундан ташқари, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий билим ва тафаккурини оширишга қаратилган тадбирлар ўз самарасини бераётир. Тизимда режали равишда ўтказиб келинаётган «Маънавият соатлари»нинг ҳуқуқий билимларни оширишда хизмати катта бўлмоқда.

Семинар қатнашчилари куннинг иккинчи ярмида «Исузи» автобуслари ва юк автомобиллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Самарқанд автомобил заводи фаолияти билан яқиндан танишдилар. Корхонада ишловчилар учун яратилган шарт-шароит, меҳнат муҳофазаси йўналишида амалга оширилган ишлар барчага манзур бўлди. Изланиш, интилишни ўзига касб қилиб олган автомобилсозлар йиллик кўрсаткичларни ошириш, автобуслар ишлаб чиқаришда юксак самарадорликка эришиш пайида бўлишаётир. Бу ерда янги турдаги энг замонавий, шаҳар йўналишида асқотадиган янги автоулов билан танишилди. Ушбу автобус автомобилсозларнинг катта ютуғи эканлиги эътироф этилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

■ Ҳосил – 2014

Марҳамат туманидаги «Мақсудов» фермер хўжалигида пахта тайёрлаш бўйича шартномавий режа 140 фоизга уддаланди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 40 центнерга етди. Белгиланган 86 тонна ўрнига 120 тонна сифатли хомашё топширилди.

ЮҚОРИ СУРЪАТДА

Фермер Даврон Мақсудов раҳбарлик қилаётган жамоада 50 нафар аъзо бор. Учинчи мавсумки, бу ерда 40 центнерлик марра биринчи теримдаёқ эгалланмоқда. Даромаднинг барқарорлиги янги иш ўринлари яратишга имкон яратаётир. Жумладан, ўтган саккиз йил мобайнида қўшимча тармоқлар — ошхона, чойхона, ҳаммом ҳамда суюқлик газ тўлдирувчи шохобча ишга туширилди.

Шартнома режаси адо этилган куни пахтакорларга фермер таъсис этган мукофотлар топширилди.

Андижон туманидаги Абдували Боласозов бошлиқ «Исломобод саховати» фермер хўжалигида ҳам 40 центнердан хирмон кўтарилди. Хомаки ҳисоб-китобга кўра, 180 миллион сўм даромад кўрилади.

Хўжалик механизатори Ҳотамжон Бойматов ўз ишининг устаси. Дала шийпонида 270 нафар теримчи иштирокида байрам қилинди. Шу куни у туман ҳокимлигининг 1 миллион сўм мукофотига сазовор бўлди. Ҳамкасби Икромжон Тўрабоевга 500 минг сўм топширилди. Теримда фидойилик билан меҳнат қилган 25 нафар аёлга Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан сервис тўпламлари тақдим этилди.

Теримчилар меҳнатининг муносиб сийланаётганлиги иш суръатининг бир маромда давом этишига хизмат қиляпти. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Андижон вилояти далаларида пахта тераётган теримчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган қарийб 70 миллион сўмликдан зиёд 12 турдаги совға-саломлар мавсум илғорларига пешма-пеш тарқатилаётганлиги «оқ олтин» хирмони ижодкорларига кўтаринки кайфият бағишламоқда.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Пахта йиғим-теримида Вобкент тумани деҳқонлари алоҳида ибрат кўрсатмоқда. Ҳамжиҳатлик асосида меҳнатни ташкил этган фермер хўжаликлари бирин-кетин йиллик шартнома режасини бажариб, юрт хирмони юксалишига муносиб ҳисса қўшаётир.

МУҲИМИ, ШАРОИТ БОР

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Зеро, кўп нарса шароитга боғлиқ. «Иззат Самандар Нурмурод» фермер хўжалигининг дала шийпони қачон қараманг, саранжом-сариштa. Дам олиш хоналари, ётоқхона тартибли жиҳозланган. Дошқозонда иссиқ овқат, самоварда чой. Дарвоқе, ҳар беш кунда айнан шу ерда йиғим-теримда ибрат кўрсатганлар рағбатлантириб борилади.

— Жамоа аъзолари зиммасига масъулиятли вазифа юкланган, — дейди фермер Нурмурод Самандаров. — 60 гектар майдонда уруғлик пахта ва ғалла етиштирамиз. Бу экинларнинг ўзига хос инжиқликлари бўлса-да, харид нархи анча юқори. Бултур 70 миллион сўмлик соф фойдага эришган эдик. Жорий йил якунида эса 100 миллион сўмни кўзлаганмиз. Жамоамиздаги ишчи-ходимларнинг 40 фоизини коллеж битирувчилари ташкил этади.

— Оддий қишлоқ қизиман. Коллежни тугатгач, мана шу фермер хўжалиги аъзолари сафига келиб қўшилдим, — дейди Дилшода Шарипова. — Касаба уюшма қўмитаси вакиллари шарт-шароитимиздан хабардор бўлиб, вақт-вақти билан рағбатлантириб турибди. Мавсум якунига кўра телевизор, рўзғор маиший хизмат техникаси, қимматбаҳо газламалар, санаторийга 1 та бепул йўлланма билан мукофотлаш, шунингдек, мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳат ташкил қилишга қарор қилинган.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Самарқанд вилоятида турли соҳа вакилларидан ташкил топган тарғибот гуруҳи теримчилар учун маданий тадбирлар ташкил этаётир.

ИЛҒОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Каттақўрғон туманидаги «Бўстон» муқобил машина трактор паркига қарашли фермер хўжалиги далаларида ургутлик кўнгиллилар ҳосилни саранжомлашда иштирок этаётир. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Р. Раҳмонова, СамИСИ профессори М.Пардаев, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири А.Абдусаидовлар юртимиз ҳаётидаги муҳим жараёнлар, сайловга тайёргарлик, ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар хусусида сўз юритишди. Санъаткорлар ўз чиқишлари билан кўнгилларни хушнуд этишди.

— Шу пайтгача вилоятдаги илғор теримчилар ЎзКУФК томонидан ажратилган 70 млн. сўмдан зиёд 12 турдаги кундалик эҳтиёж моллари билан тақдирланди, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Ўткир Худойқулов.

Ўз мухбиримиз

■ Давра суҳбати

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Бутунжаҳон муносиб меҳнат кунига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда ҳамкор давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари ҳамда касаба уюшма фаоллари қатнашди.

Тизимли ишлар самараси

Давра суҳбатида Муносиб меҳнат концепцияси ижроси юзасидан тизимли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Хусусан, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Қ.Эшназаров касаба уюшмаларининг Муносиб меҳнат концепциясини амалга оширишдаги фаолиятига эътибор қаратди.

— Меҳнат кишисини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шароитини яратишда, энг аввало, меҳнат ва ижтимоий масалаларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш тақозо этилади. Бу борадаги ишларнинг самарадорлигини таъминлашга барчамиз масъулмиз, — деди Қ.Эшназаров. — Аъзоларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, мурожаатлар юзасидан тезкор амалий чоралар кўриш касаба уюшмаларининг бирламчи вазифаларидандир. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига жорий йил 9 ойида фуқаролар томонидан 276 та, жумладан 31 та ёзма, 184 та оғзаки, «Ишонч телефонлари» орқали эса 61 та мурожаат тушган бўлиб, аксарияти ижобий ҳал этилди. Қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан киритилган 4 та тақдимнома иш берувчилар томонидан қаноатлантирилди. 26 нафар шахснинг ҳуқуқи тикланиб, 45 млн. сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ундирилиши таъминланди.

Шунингдек, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш ҳудудий қўмитаси вакилларининг ҳам мавзуга доир маърузалари тингланди.

Тадбирда Муносиб меҳнат концепциясига тўла амал қилиш учун ҳали кўп ишлар қилиниши лозимлиги таъкидланди. Хусусан, норасмий бандликни чеклаш, ҳуқуқий ҳимояни кучайтириш, меҳнат низоларини суддан ташқари тартибда ҳал этиш устуворлигига эришиш, «яшил» иш ўринларини кўпайтириш, бизнеснинг ижтимоий масъулиятини ошириш, аёллар ва ёшлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларига қатъий риоя этилишини таъминлаш каби масалаларга эътиборни янада кучайтириш шулар жумласидан.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

■ Бандлик

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги 101 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежида 79742 нафар ўқувчи мустақил ҳаёт сабоқларидан баҳраманд бўлаётир. Бу йил 91 касб-ҳунар коллежини 96 ихтисослик бўйича 24115 нафар ўқувчи якунлади. Айни пайтда, коллеж битирувчиларининг 75,6 фоизи, яъни 18233 нафари ишга жойлаштирилди.

Таълим ва амалиёт уйғунлиги

Жорий йилда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлашни ният қилган ёшлар учун 6 млрд. 600 млн. сўм кредит ажратиш режалаштирилиб, бу ишлар босқичма-босқич амалга оширилаяпти.

Ёшларни доимий иш ўрни билан таъминлашда ишлаб чиқариш амалиётлари қўл келмоқда. Корхоналар билан олдиндан тузилган шартномаларга оғишмай амал қилинаётир.

Хўжайли транспорт касб-ҳунар коллежида 918 ўқувчи таълим олмоқда. Уларга 70 нафардан зиёд ўқитувчи таълим беради.

Ёшларнинг ҳар бир касбни пухта эгаллаши учун ихтисослаштирилган устахоналар мавжуд. Замонавий дастгоҳлар, тикув машиналари билан жиҳозланган амалиёт хоналари, лингафон ва компютерлар билан таъминланган тўртта махсус синф ўқувчилар ихтиёрида. Таълим самарадорлигини ошириш мақсадида, туманимиздаги қатор корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузганмиз. 2014-2015 ўқув йилида коллежимизни 381 нафар ўғил-қиз тугаллаши кутилмоқда. Шогирдларимиздан 215 нафари Хўжайли автовокзали, «Шариф — шах», «Хўжайли моторс», «Жетписбай транс» масъулияти чекланган жамиятларида амалиёт ўташади.

«Elite stars TexTilE» корхонасига 30 нафар ўқувчи бириктирилган. Улар корхонада замонавий тўқув дастгоҳлари билан танишмоқда. Жамият раҳбарияти билан касаба уюшма ташкилоти фаоллари қизларнинг соҳага бўлган қизиқишини доимо қўллаб-қувватлаб келаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Билим даргоҳида «Ёш автомобилчилар», «Ёш тикувчилар» ҳамда «Ёш автокранчилар» тўгараклари фаолият кўрсатади. Барча шароитларга эга кутубхона, спорт зали ўқувчиларнинг маънан етук, жисмонан соғлом кадр бўлиб етишишига хизмат қилади.

Шараф ШАМУРАТОВ,
Хўжайли транспорт касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари

Саёҳат

ҚУВОНЧ БАҒИШЛАДИ

Бу йил ёз ойларида Чортоқ транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежимиздан 33 нафар ўқитувчи ва ишчи аёлларимиз Фарғона вилоятининг Водил қишлоғида жойлашган «Етти булоқ» дам олиш масканида бўлишди.

— Фарзандларимиз билан мафтункор манзара қўйнида ўтказилган вақт олам-олам қувонч бағишлади. Ўзимизни янада тетик сезиб, ишга чандон ғайрат билан киришдик, — дейди лаборант Комила Исоқова.

Маъмурият билан касаба уюшма ташкилоти ўртасидаги яқин ҳамкорлик жамоада муҳит яхшиланиши ва албатта, бу меҳнат унумдорлиги ортишига омил бўлишига барча амалда ишонч ҳосил қилди.

Гулнора БОБОЖОНОВА,
Чортоқ транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси

Пойтахтимизда электрон кимошди савдоларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш орқали ушбу савдолар тизимини мақбуллаштириш, уларда кичик бизнес субъектларининг иштирокига ҳамда соҳада эришилган натижалар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ЭЛЕКТРОН КИМОШДИ САВДОЛАР ОММАЛАШМОҚДА

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Айни пайтда электрон шаклдаги корпоратив харидлар тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бугунги кунда рўйхатга олинган 2,9 мингдан кўпроқ буюртмачи ва 9 мингдан ортиқ таъминотчининг 93 фоиздан зиёди кичик бизнес субъектларидир. Уларнинг корпоратив харидлар бўйича товар ва хизматлар етказиб беришдаги улуши тузилган шартномаларнинг 96 фоизини ва жами маблағлар миқдорининг 95 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 5 апрелда қабул қилинган «Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июндаги «Давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини электрон шаклдаги корпоратив харидлар тизимига кенг жалб этиш ҳамда ушбу тизимдаги жараёнлар очиқ-ошкоралигини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Тадбирда электрон кимошди савдоларида онлайн режимида ишлаш тизими таъминланаётгани, харид қилинаётган товар ва хизматлар нархи уларни етказиб берувчилар ўртасидаги кучли рақобат шароитида шакллантирилаётгани таъкидланди. Айни пайтда етказиб берувчилар учун кимошди савдоси «энг паст нархни таклиф этинг» тамойили асосида ўтказилмоқда. Бу нархларни сунъий бошқаришга йўл қўймаслик, уларнинг давлат ва жамоатчилик томонидан назорат қилиш самарадорлигини ошириш, буюртмачи харажатларини камайтириш имконини бериб, маҳсулот таннархини пасайтиришга таъсир кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, корпоратив харидларда табиий монополия субъектлари, давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган давлат унитар корхоналари ва хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи якунларига кўра, корпоратив харидлар бўйича электрон кимошди савдоларида тузилган битимлар ҳажми 263 миллиард сўмдан ошди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 баробар кўпдир.

Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси келажакда буюртмачи ва етказиб берувчилар учун қўшимча қулайликлар яратиш, мижозларнинг биржа махсус ахборот порталидаги шахсий кабинетида интерактив хизматлар рўйхатини кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Муҳаммад ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

Ishonch
2014-yil 11-oktabr № 125 (3474)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллиги олдидан

1992 йил 8 декабрда XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида мустақил Ўзбекистон давлатининг Конституцияси моддама-модда овоз бериш йўли билан қабул қилинди. Бу юртимиз тарихидаги буюк воқеадир. Конституция халқимизнинг ўзини ўзи бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар демократик давлат барпо этиш тўғрисидаги азалий орзуларини ифодалади. Уни мамлакатимиз Президенти шундай таърифлайди: «Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир».

Фаровон ҳаёт манбаи

Асосий Қонунимиз ўзининг тузилиши, йўналиши, мазмуни жиҳатидан Ўзбекистон ҳудудида шу вақтга қадар амал қилиб келган Конституциялардан принципиал равишда фарқ қилади.

Шу туфайли халқимиз мустақиллик меваси бўлган Конституциямизни қадрлаш, ардоқлаш ҳисси билан яшамоқда. У қабул қилинган куннинг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши эса ўзига хос эҳтиром нишонасидир.

Жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларига, демократия ғалабаларига таянганлиги ҳам унинг муҳим хусусияти саналади. Конституциямизда миллати, ирқи, ёши, дини, эътиқоди ва ҳоказоларга қараб инсон ҳуқуқларини муайян даражада камситадиган бирорта ҳам модда йўқ. Чинакам халқчиллик, демократизм Ўзбекистон Республикаси Конституциясига хос яна бир асосий хусусиятдир. Халқ ҳокимияти ғояси унинг моҳиятини ташкил қилади. Бош Қомусимизнинг фазилати, моҳияти ва табиати унинг норма ва тартиб-қоидалари билан, умуминсоний қадриятларга содиқлиги, унда инсон ҳуқуқлари нечоғлик ҳимояга олинганлиги билан ўлчанади.

Конституциямизнинг яна бир муҳим фазилати шуки, у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 12 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» қоидаларига тўла мос келади.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уларнинг манфаатларига зид келадиган собиқ қонун ва кўрсатмаларни бартараф этишдан бошлангани ҳам бежиз эмас.

Кўпчиликнинг ёдидан кўтарилмаган «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» деб аталмиш халққа мажбуран ёпиштирилган тамғаларни бир эсланг. Тоталитар тузум мақсадларига бўйсундирилган қонунлар не-не одамларни айбдорга айлантирмади дейсиз.

Конституциямизнинг 1-моддасида давлат суверенитети эътироф этилиб, инсон ҳуқуқлари ҳимояси кафолатланади. 2-моддада: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», дейилган. Зеро, давлатнинг фуқаролар олдида масъуллиги демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Конституциямизнинг 8-моддасида: «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», дея белгиланган. Тадқиқотчилар фикри ва илмий манбаларга кўра, мазкур моддада қайд этилган бу қоида жаҳондаги бирон-бир конституцияда учрамайди. Яъни «Ўзбекистон халқи» тушунчасининг таърифи ҳар бир киши, миллий ва ирқий муносабатларидан, эътиқодидан қатъи назар, республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси эканлигини англатади.

Фуқароларнинг Бош қомусимизда белгилаб қўйилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, уларнинг кафолатларини ҳар бир фуқаро нафақат билиши, айни пайтда, онгшуурига, юрагига жойлаб олиши лозим.

Республикамизда халқимизнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Бир қанча ҳуқуқий журнал ва газеталар нашр этилмоқда. Телевидение ва радиода ҳуқуқий мавзуларда мунтазам равишда кўрсатув ва эшиттиришлар бериб борилмоқда.

Бу, албатта, фуқароларимизда қонунларни билиш, ҳурмат қилиш ва унга амал қилиш ҳиссини уйғотади. Қонунларни қанчалик чуқур билсак, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари шунчалик камаяди. Бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотлари ходимлари ўтказаётган кўплаб ҳуқуқий тарғибот ишларининг самараси каттадир.

Ҳар бир инсон Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳамда кафолатларини билиш билан бирга, бурчини ҳам унутмаслиги зарур. Чунки ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда кафолатларини билган киши ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган тақдирда, уларни тиклаш учун қандай ҳаракат қилиш, давлат ва унинг тузилмаларидан, мансабдор шахслардан нималарни талаб қилишни билади. Шунингдек, бу баъзи ҳаракатларни содир этишдан тийилиш, айрим ишларни онгли равишда амалга оширишга олиб келади. Натижада, ҳар бир фуқаро жамиятдаги ўз ўрнини аниқ билади ва тақдири, биринчи навбатда, ўзига боғлиқлигини ҳис қилади.

Конституцион бурч Ўзбекистон фуқароларининг Конституцияда белгилаб қўйилган, фуқаролар бажаришлари шарт бўлган мажбуриятлари ҳисобланади. Барча илғор давлатлар конституцияларида фуқароларнинг бурчларига алоҳида ўрин ажратилган.

Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни яхши билиш инсон ҳуқуқларининг бошқа ҳужжатлар билан камситилишига йўл бермайди. Ҳуқуқ ва эркинликларни билиш белгиланган ҳуқуқларни конституцияда белгиланган қоидалардан ташқари ҳеч қандай асосда ва тартибда чеклаш мумкин эмаслиги ҳақида фуқароларга тушунча беради. Конституциявий кафолатларни яхши билиш ҳуқуқ ва эркинликлар кучли воситалар орқали таъминлаши ҳақида тасаввур уйғотади ва ҳар бир фуқарода давлатга, келажакка ишончни мустаҳкамлайди. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни билиш фуқароларга ор-номуси, қадр-қиммати, дахлсизлиги, эркинлигини рўёбга чиқариш, сиёсий ҳуқуқларини билиш, сиёсий ҳаётда, давлат бошқарув ишларида самарали, онгли иштирок этиш, иқтисодий ҳуқуқларни билиш, турмушини тўғри ташкил қилиш, фаровонликка эришишда ёрдам беради.

Давлат хизматчилари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлигини; вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексалар ўз ҳуқуқлари давлат томонидан алоҳида ҳимоя қилинишини; хотин-қизлар, барча миллат вакиллари тенг ҳуқуқдан фойдаланишини; ота-оналар вояга етмаган фарзандлари ҳақида, вояга етган фарзандлар ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлигини; давлат ва жамият етим болалар ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишнинг таъминланишини; маълум ёшга етган эркаклар Қуролли Кучлар сафига ёки муқобил хизмат ўташ бурчига эга эканлигини; Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланишини; мансабдор шахслар, депутатлар ўз ваколатлари ҳақидаги нормаларни чуқурроқ ўрганиши ва билиши зарурдир.

Унда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи, фуқаролар олдида давлатнинг бурчи, фуқаролар билан давлат муносабати ҳамда фуқаролар манфаатининг устунлиги белгиланади. Конституция бўлмаса, ёки фуқаро конституцияни чуқур билмаса, у ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайди ёки ҳимоя қилиши жуда қийин кечади.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тўлиқ бажаришлари Ўзбекистонни янада мустаҳкамлайди, унинг демократик асосини янада кенгайтиради, давлатимиз фуқароларининг моддий-маънавий эҳтиёжини қондиради. Мустақилликка эришганимиздан сўнг давлатимиз фуқароларининг демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари янгича мазмун ва маъно касб этди, янгидан-янги қоидалар, шахс, жамият ва давлат ўртасида янгича муносабатлар вужудга келди, улар асосида янги, демократик эркинлик ва бурчлар пайдо бўлди.

Бош Қомусимизда белгиланган фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига: меҳнат қилиш, дам олиш, қариганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотганда моддий таъминот олиш, илм олиш, матбуот, виждон эркинлиги, жамоат бирлашмаларига уюшиш эркинлиги, шахсий ва уй-жой дахлсизлиги, хат ёзишмаларини сир сақлаш сингари ҳуқуқлари ва эркинликлари киради.

Дарҳақиқат, қайси юртда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонун ҳимоясида бўлса, шу юртнинг кишилари бахтиёр, ҳаёти обод ва фаровон бўлади. Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси ҳам барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигидир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаб қўйиши мумкин эмас. Айни пайтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги керак.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишнинг умумуслубий асослари замонавий таълим тизими устувор тамойиллари асосида ташкил этилса, ўқувчи ва талабалар, ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш, уларда қонунларга чуқур ҳурмат, қонун олдидаги ўз бурчига юксак масъулият туйғуларини шакллантириш кутилган натижани беради.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ

ҚИШЛОҚДА МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Фарғона вилояти Данғара туманидаги «Телеминг» қишлоқ врачлик пункти 9 мингдан зиёд аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Соғлом бола йилида туғиш ёшидаги аёлларнинг қарийб 80 фоизи ва мингдан зиёд бола тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, аниқланган касалликларни ўз вақтида ва самарали даволашга эришилди.

Қишлоқ врачлик пунктида ташкил этилган фитобарда етти турдаги табиий гиёҳлардан тайёрланган шифобахш дамламалар таклиф этилмоқда.

Суратда: (ўнгдан)-шифокор Нилуфар Маматқулова, ҳамшира Шалола Эгамназарова беморни текширувдан ўтказмоқда.

ЎзА фотомухбири
Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат

Тадбиркор ва замон

Завқиддин Бозоров ва Низомиддин Эсоновлар Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидан. Ҳар иккиси ҳам ишбилармон.

ШЕРОБОДДА ҒИШТ ЗАВОДИ

Улар ўтган баҳор Шеробод туманининг «Пахтаобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи дўстларникида меҳмон бўлишганда, уюм-уюм бўлиб ётган қизил тупроқ эътиборларини тортди. Шу ерда ғишт заводи қуриш фикри туғилди. Кўнгил очишганди, туман ҳокими ҳам уларнинг таклифини қўллаб-қувватлади.

Шу тарзда иш бошланиб кетди. Россиядан янги технология олиб келинди. Сифатли ғишт ишлаб чиқараётган янги завод бугун гуркираб ишлаяпти. 10 нафар ишсиз доимий иш билан банд этилди. Фахриддин Каримов, Шерзод Бўронов, Нортожи Алмурадов, Азамат Рамазонов каби йигитлар аллақачон касб сирларини мукаммал эгаллаб улгуришди. Шу кунга қадар «Шоиста Музаффар», «Абдулла Фирдавс», «Кафолат Термиз» каби қурилиш ташкилотларига 4 миллион донадан зиёд пишиқ ғишт етказиб берилди. Айни чоғда корхона кунига 20 минг дона ғишт ишлаб чиқаряпти.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Орамиздаги одамлар

Шундай инсонлар борки, ўтаётган ҳар бир кунидан мазмун излайди. Кўпчиликка нафи тегадиган юмушга бош қўшишдан завқ олади. Камтарин устоз Гулнора Аҳмедова ана шундай фидойилардан. Изланувчан педагог ҳамиша таълим-тарбия жараёнига янгиликлар олиб кириш пайида бўлади. 12 та услубий қўлланма, 3 та услубий мажмуа яратганлиги, янги педагогик-технология усулларидан фойдаланиб «Миллий ғоя» бўйича услубий кўрсатма ишлаб чиққанлиги фикримиз исботидир. «Ўқувчиларни дарсга қизиқтириш йўллари» мавзуидаги илмий мақоласи кенг жамоатчилик томонидан ижобий кутиб олинди.

Умр мазмуни — шогирдлар камолида

Гулнора опа тажрибаларини ҳамкасбларига етказишда турли усуллардан фойдаланади. «Касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар даво-матини таъминлаш бўйича» ишлаб чиққан услубий кўрсатмаси амалиётда ўз натижасини бераётир. Фаолиятини оддий тарбиячиликдан бошлаган Гулнора Аҳмедова касб-ҳунар коллежи раҳбари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Мутасаддилар тавсияси билан Г.Аҳмедова 25 ўринли болалар боғчасига мудир этиб тайинланган ўша чоғлар фарзандларини боғчага бериш қишлоқ аҳли ўртасида унчалик ҳам урф бўлмаганди. Мудира тарғибот ишларига зўр берди. Қолаверса, ишлаш истагида бўлган оналарга болалар ишончли қўлларда тарбияланишини англатди. Қисқа фурсатда боғчага қатновчилар 120 нафардан ошиб кетди. Кўримсиз бино ўрнида замонавий тарбия маскани қад ростлади. Опани аввал 39-мактабга, сўнгра таълим-тарбия жараёнларида бироз оқсаш сезилаётган 54-мактабга директор этиб тайинлашди.

Ҳеч кимга сир эмас, истиқлолдан олдин мактабларга, айниқса, қишлоқлардаги илм масканларига талаб даражасида эътибор қаратилмасди. Мослаштирилган, гуваладан қурилган биноларда болаларга таълим берилаверарди. Гулнора Аҳмедова раҳбарлик қилаётган 54-мактаб пойдевори нураб кетган бинога жойлашганди. Кўкламги ёғингарчилик оқибатида бино қулаб тушди. «Мард бошига иш тушса, этик билан сув кечар» деганларидек, у жамоага бош-қош бўлиб ишга киришди. Ҳудуд аҳолиси ҳам қараб турмади. Саксон тўққиз кун деганда ҳашар йўли билан бино тикланди.

— Истиқлол шарофати билан мактабимиз тубдан қайта қурилди, — дейди Гулнора Аҳмедова. — Янги зиё масканимизни обод гўшага айлантиришга астойдил киришганмиз.

Саъй-ҳаракатлар ҳеч қачон бесамар кетмайди. 2008 йилда 54-умумтаълим мактаби «Ҳудуддаги энг кўркам мактаб» танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни қўлга киритди. Болаларга билим бериш борасида ҳам пешқадамлар сафидан ўрин эгаллади. Ана шу натижалар инобатга олиниб, Гулнора Аҳмедова «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» нишони билан тақдирланди. Ғағбат опани янада фидойилик кўрсатишга ундади. У бошлиқ жамоа ўқитиш сифати бўйича илғорлар сафига чиқиб олди. Тажрибали муаллим, жонкуяр раҳбар ўша йили «Шуҳрат» медалига муносиб деб топилди.

Меҳнат қилган элда азиз, дейди халқимиз. Ҳамқишлоқлар Гулнора опанинг ташаббускорлигини инобатга олиб, туман кенгаши депутатлигига сайлашди. У халқ вакили сифатида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фаол иштирок этиб келаётир. Депутат саъй-ҳаракати билан «Самарқанд-Полвонариқ», «Самарқанд-Ногоҳон», «Самарқанд-Шерқўрғон» ички йўлларида замонавий автобуслар қатнови йўлга қўйилди.

Гулнора Аҳмедовага янада масъулиятлироқ вазифа топширилди. 2012 йилда у Жомбой иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори вазифасига тайинланди. Ўқитиш сифатини ошириш, малакали кадрлар тайёрлаш даражасини кўтаришга енг шимариб киришди. «Ораста қизлар» кўрик-танлов пешқадамлиги коллеж ўқувчиларига насиб этди. Вилоят коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Касбим — фахрим» танловида совринли ўринга лойиқ кўрилди.

Гулнора опа қаерда ишламасин, ўша масканга файз киради. Коллежда ҳам кенг миқёсда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Ўтган йилда 630 туп мевали ва манзарали дарахт, 57 туп каштан, 38 та япон сапораси, 1800 туп терак кўчатлари ўтказилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида Гулнора Аҳмедова Президентимиз фармонига биноан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

— Юксак мукофот кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшди, — дейди у фахр билан. — Бу нафақат менинг камтарона меҳнатим, балки таълим тизими фидойилари меҳнатига давлатимиз томонидан берилган юксак баҳодир. Биз педагоглар учун шогирдларимиз камоли ҳаётимиз мазмунини ташкил этади.

Меҳнатдан бахт топган устоз ҳамон изланишда. Ёшлар тарбияси йўлида чарчоқ нелигини билмай ҳамкасбларини янги марралар сари ундаб келаётир.

Зулфия АТАМУРОДОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жомбой туман кенгаши раиси

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси.
«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

I. 2014 йил 28 октябр куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 14.06.2013 йилдаги 10-1307/7364-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «ZIYO GRUP» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 03.10.2014 йилдаги йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 03.10.2014 йилдаги 60-Z-07-сонли буюртмасига асосан, жамият ҳисобидаги бошланғич баҳоси — 14 354 800 (Ўн тўрт миллион уч юз эллик тўрт минг саккиз юз) сўм бўлган, 2008 йилда и/ч ЛАДА-11184-111-30 русумли д/р 10 В 1242 бўлган автомашинаси тақроран қўйилмоқда.

II. 2014 йил 28 октябр куни соат 12:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 03.09.2013 йилдаги 10-1312/7875-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «OLVIA METAL» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 03.10.2014 йилдаги йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 03.10.2014 йилдаги 75-O-10-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги бошланғич баҳоси — 2 523 500 (Икки миллион беш юз йигирма уч минг беш юз) сўм бўлган, 40 та номдан иборат кўчмас мулк тоифасига мулкдан кирмайдиган мулклари ҳамда товар ва моддий бойликлари (офис жиҳозлари, офис мебеллари, оргтехника жиҳозлари) билан бирга мужассам ҳолда тақроран қўйилмоқда.

Изоҳ: Савдога қўйилган автотранспорт воситаси ёки мужассам ҳолдаги ушбу мулклар таркиби, ҳар бирининг қиймати, миқдори, рўйхати ва тавсифи билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш бўйича буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 27 октябр кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ, х/р: 20208000005028108001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082, ОКОНХ: 84500.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Тел: 8 371 233-21-18. E-mail: kmss.res@mail.ru. Гувоҳнома: № 006263. **Хизматлар лицензияланган.**

«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, ҳамда Фарғона вилоят прокуратурасининг 09.10.2014 йилдаги 27/10/14-сонли хатига асосан, Фарғона шаҳар, Орият кўчаси, 16-уй манзилда сақланаётган 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 512 FAA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси тақроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 15 480 234 сўм.

Савдо 2014 йил 27 октябр куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 24 октябр, соат 18:00.

Талабгорлар диққатига! Автотранспорт воситаси 2014 йил, 27 октябр куни савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 2014 йил, 12 ноябр куни бўлиб ўтади. Такрорий савдога аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 10 ноябр, соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖнинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, СТИР: 302134194, х/р: 2020 8000 7049 4306 3001. Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Тел: 8-373-244-43-58. www.rmm.uz. Гувоҳнома: №1177. **Хизматлар лицензияланган.**

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Навоий вилояти, Учқудуқ туман ҳокимлигининг 2014 йил 9 октябрдаги 282/049-30-сонли буюртманомасига асосан Учқудуқ шаҳар, А.Темур кўчаси, 28-уйда сақланаётган, таъмирталаб, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 21 NV 109 бўлган, «Киа спортаж» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 3 580 000 сўм.**

Савдо 2014 йил 14 ноябр куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 12 ноябр куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 14 ноябр куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2014 йил 4 декабр куни соат 15:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш такрорий савдо учун 2014 йил 2 декабр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ «Ипотека банк» Навоий филиали қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943164001, МФО: 00205, СТИР: 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: 8 (436) 22-4-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 1605. **Хизматлар лицензияланган.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашлари жамоалари Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси
Соғиндиқ НИЕТУЛЛАЕВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, таҳририят таҳрир ҳайъати аъзоси
Соғиндиқ НИЕТУЛЛАЕВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ishonch
2014-yil 11-oktabr № 125 (3474)

Истиқлол фарзандлари

ҲАСАН, ЗАҲРО ВА ЗУҲРА

Бўстонлиқ туманидаги Сойлиқ қишлоғида уч эгизак улғаймоқда

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги сўлим ва баҳаво Сойлиқ қишлоғи. Шундоққина қишлоқ марказидан ўнгга бурилсангиз, шарқираб булоқ суви оқаётган Ғафур Ғулом кўчасига чиқасиз. Ушбу гўшадаги 4-хонадондан, мана бир неча кундирки, келиб-кетувчиларнинг оёғи узилмаяпти. Қишлоқдошлар ва қўшнилар Абдуҳаким ва Лола Норметоваларнинг бир йўла уч эгизак — бир ўғил ҳамда икки қизлик бўлганликларини кувончлари ичга сиғмай қутлашаётир.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Руслан Раҳмонов, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чирчиқ шаҳар ва Бўстонлиқ туман кенгашларининг раислари Мукаррама Исроилова ва Ортиқали Акромов билан бу серфайз хонадонга яқинлашарканмиз, ҳовлидан ўйин-кулги товушлари эшитилди.

Ўрта яшар, хушсурат аёл очиқ чеҳра билан бизни қаршилар экан:

— Сизлар йўқлаб келган Лола келинимнинг қайнонаси Мавжуда Норметова бўламан, — деди ўзини таништириб бир гапириб, ўн кулганча. — Икки набирам Абдуллоҳ ва Райҳон бир укалик ва икки сингиллик бўлишди. Осмонда учиб юрибмиз, десак ишонаверинг!

Оддий қишлоқ ҳовлиси. Ишкомдаги узум ҳосили бу хонадон чиндан-да баракали эканлигига ишора қилгандек...

— Сойлиқ қишлоғидаги 11-ўрта мактабни тугатганман, — дейди Лола Норметова. — 2008 йили Абдуҳаким акам билан турмуш қурганмиз. 7 сентябр куни 3 фарзандлик бўлдик. Ўтган куни эса касалхонадан чиқдик. Қариндош-уруғларнинг, таниш-билишларнинг кувончи чексиз. Ишонамизки, фарзандларимиз мустақил Ватанимизнинг асл фарзандлари бўлиб вояга етишади.

Ҳасан, Заҳро ва Зуҳралар мириқиб ухлашаётган экан. Уларнинг саломатлиги Сойлиқ ҚВП мудираси Маҳбуба Ҳакимова ҳамда ҳамшира Шоҳсанам Йўлдошеванинг доимий назоратида.

— Чақалоқлар ўзларини яхши ҳис этишяпти, — дейди Маҳбуба Ҳакимова. — Онаси Лоланинг ҳам ҳолати яхши. Улардан мунтазам хабар олиб турибмиз.

Бўстонлиқ туман хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Ирисой Усмонқулова ҳамда касаба уюшма ходимлари хонадон эгаларига ўз совғаларини топширишди.

— Меҳмонларнинг бугунги ташрифи биз оила аъзоларини ниҳоятда руҳлантириб юборди, — дейди хонадон соҳибаси Мавжуда опа. — Шундай ширин сўз, меҳрибон кишиларнинг ташрифини набираларим катта бўлганларида ҳам эслаб юришса керак.

Ҳа, албатта, вақт тезкор. Кўп ўтмай Ҳасан, Заҳро ҳамда Зуҳра боғча, сўнгра мактабга боришади. Кейин...

Биз қутлуғ хонадонга бахт-саодат ва соғлик-саломатлик тилаб, кўнгилда бир олам эзгуликлар билан хайрлашдик.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Болалар спорти

Бухорода мамлакатимиз шон-шуҳратини оламга танитган ва танитаётган спортчилар анчагина. Исмоил Туробов, Собир Қурбонов, Шуҳрат Хўжаев, Рустам Тўраевлар сулоласи, жаҳон Олимпиадаси совриндорлари Ришод Собиров, Аббос Атоев.... Ушбу рўйхатга яна кўплаб номдор спортчиларни киритиш мумкин.

Чемпионлар авлоди

Албатта, ютуқларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали фаолиятига назар ташласак, қувонарли далилларга дуч келамиз. Кейинги ўн йил ичида жамғарма вилоят филиали томонидан 98 та спорт мажмуаси ва заллари, сузиш ҳавзалари, спорт майдончалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 13 та (7 та янги, 6 та реконструкция) мусиқа ва санъат мактаби бунёд этилди. Эътиборлиси, уларнинг 89 таси қишлоқ ҳудудларида жойлашган.

Айни пайтда вилоятда спорт билан шуғулланувчи ёшлар 171 мингдан ортади. Уларнинг 64 мингдан зиёди қизлардир. Спортга қаратилган эътибор ўз самарасини бериб, бугун айнан болалар спортидан етишиб чиққан истеъдод эгалари нафақат республика, балки халқаро майдонларда ҳам зафарли одимларини давом эттирмоқда. Биргина ўтган йил мобайнида вилоят спортчиларидан 112 нафари Ўзбекистон чемпиони, 40 нафари халқаро мусобақалар ғолиби бўлди. 11 нафар Осиё ва 5 нафар жаҳон чемпионлари етишиб чиқди ҳамда 330 нафар спортчи турли мусобақаларда совриндорлар сафидан ўрин эгаллади.

Жумладан, ёш самбочи Нурбек Тўраев, каратэчи Шоҳруҳ Истамов жаҳон чемпионатида, юнон-рум кураши бўйича Аҳмад Маҳмудов, каратэчи Бекзод Туйғунов, бадиий гимнастикачилар Дилдора Ҳайитова, Гулноз Алиева, Дилноза Бақоева ва бошқалар Осиё чемпионати ҳамда халқаро мусобақаларда зафар қучдилар. «Нафис» бадиий гимнастика маркази тарбияланувчиси Замиражон Санақулова «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» унвонига сазовор бўлди. Бадиий гимнастикачилар Ҳусниябону Ғуломова ва Саврина Холиқова эса Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларидир.

Вилоятда 51 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бор. Шундан 12 таси Олимпия захиралари спорт мактаби ҳисобланади. Бундан ташқари, Олимпия спорт турларини ривожлантириш мақсадида 8 та махсус спорт мактаб-интернати, спортнинг 40 тури бўйича федерациялар фаолият кўрсатмоқда. Табиийки, спортнинг тараққий этишида малакали мураббийларнинг муносиб ўрни бор. Айни пайтда вилоятдаги мавжуд спорт иншоотларида 1212 нафар мураббий (шундан 396 нафари аёллар) хизмат қилаяпти.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг манзилли қурилиш дастуридан истиқболли режалар ўрин олган. Яқин ойлар ичида 4 та мусиқа ва санъат ҳамда 4 та умумтаълим мактабларида спорт заллари қурилиши ниҳоясига етказилиши кўзда тутилган. Шунингдек, Бухоро шаҳридаги 9-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби реконструкцияси ҳамда Пешку туманидаги 19-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спорт иншоотларини қуриш ишлари амалга оширилади. Шубҳасиз, ушбу ғамхўрлик ва эътибор чемпионларнинг янги авлоди етишиб чиқишига замин яратади.

Ўз мухбиримиз

Касаба уюшма тадбири

Соғлом бола йилида, табиийки, спорт тадбирларига ўрин ажратилган. Яқинда тармоқ ходимлари ўртасида бўлиб ўтган мусобақалар ғоят қизғин ва баҳсларга бой тарзда кечди. Унда бир юз олтмишга яқин спорт ихлосманди ўзаро куч синашди.

ЭПЧИЛЛИК, ЧАҚҚОНЛИК НАМОЙИШИ

Мазкур мусобақа олис қишлоқларда жойлашган таълим муассасаларида ҳам спорт ишқибозлари сафи тобора кенгайиб бораётганини намоён этди.

Аёллар ўртасида ўтказилган волейбол баҳсларида 1-, 11-, 79-умумтаълим мактаблари жамоалари кучли учликдан жой олган бўлса, эркаклар ўртасидаги мини футбол беллашувлари якунида «Ойқор» ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи, 30-умумтаълим, 78-иқтидорли болалар мактаби вакиллари шоҳсупага кўтарилишди.

Ғолиблар ташкилотчиларнинг кубок, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Норқул ОЧИЛОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бахмал туман кенгаши раиси

Қашқадарё вилоят Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби зали ва сузиш мажмуаси бундан икки йил муқаддам капитал таъмирланиб, бир қатор қулайликларга эга бўлганди. БЎСМ директори Шавкат Ғаниевнинг фаол ходимлар билан мактаб ва маҳаллаларга бориб, амалга оширган тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини берди.

Кўнгилдаги равшанлик

Бадиий гимнастика, сузиш, оғир атлетика, дзюдо, юнон-рум кураши ва ўзбек жанг санъати спорт машғулотлари ўтадиган масканда шуғулланувчилар янада кўпайиб, бугунги кунда 492 нафарга етди.

Таъкидлаш жоизки, спорт мактаби тарбияланувчилари орасида мамлакат терма жамоалари аъзолари ҳам бор. Хусусан, бадиий гимнастикачи Луиза Ғаниева 2013 йилда ўтган Осиё чемпионатида жамоавий чиқишда бронза медалига сазовор бўлиб, жорий йилда пойтахтимиз мезбонлик қилган Жаҳон кубоги баҳсларида муносиб қатнашди.

Шунингдек, терма жамоа аъзоси Фарангиз Аҳмедова ҳақида ҳам илиқ фикрларни билдириш мумкин.

— Спорт мактабимизда 60 дан зиёд қиз нафис спорт санъати — бадиий гимнастика билан шуғулланади, — деди Шавкат Ғаниев. — Мақсадимиз — 2015 йил Урганчда ўтадиган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида қатнашадиган вилоят терма жамоасини шакллантириш. Ўқувчимиз Дилмира Ашурова спорт усталигига номзод талабларини бажарди. Яқиндагина сузиш бўйича 1999-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтган республика биринчилигида Суҳроб Шаропов бронза медални қўлга киритди. Ишонамизки, бу ниҳоллар улғайиб, нафақат вилоят, балки республика терма жамоаси сафида ҳам улкан ютуқларга эришади.

БЎСМда қиличбозлик бўлими иш бошлаш арафасида. Бундан 20-30 йил муқаддам қиличбозлик бўйича республика чемпионатларида ғолиб чиққан Шавкат Ғаниев ҳамда унинг акаси Шорасул Каримов қиличбозликни Қашқадарё воҳасига қайтариб, шонли тарихни, шарафли натижаларни янгиламоқчи.

— 12 нафар мураббийимиз бор. Ниятларимиз катта. Шу боис, мураббийларимизни Республика олий спорт маҳорати мактаби қошида ташкил этилган малака ошириш курсларига юбормоқчимиз. Спорт залига келган ўқувчининг кўкрагидан итармаймиз. Шуғуллансин, мусобақаларда омадини синаб кўрсин. Ана шунда энг яхшиларини саралаб олиш ва терма жамоаларга муносиб ўринбосарлар тайёрлаш имконияти кенгаяди, — дейди Шавкат ака.

Кўп йиллик тарихга эга, аммо мустақиллик туфайли тарихга янги зарваракларни муҳрлаётган вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолиятидан кўнглимиз тўлди. Зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, бунга сабаб ишнинг тўғри йўлга қўйилганлигидир.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Миннатдорлик

Турфа хил ҳодисаларга тўла ҳаётимизда не кўргиликлар юз бермайди дейсиз. Гоҳида арзимасдек туюлган эҳтиётсизлигимиз оқибатида бошимизга катта ташвишлар тушади. Бухоро вилояти Вобкент туманилик Дилдора Абдиева ҳам бундан бир неча йил олдин қиш кунларининг бирида беҳосдан сирпаниб йиқилиб, бели лат еган эди. Дилдора олдинига кўп ҳам эътибор қилмади. Лекин, ҳадеганда оғриқ ўтиб кетмади. Кўплаб шифокорларга кўринди, лекин давоси топилмади.

ДУНЁ ШУНЧАЛАР ГЎЗАЛКИ!..

— Соғлик қадрига соғликни йўқотганимизда етарканмиз. Уч-тўрт йиллик қийинчиликлардан сўнг, Республика Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш Миллий марказининг II-клиникасига келдим. Протезлаш бўлимида катта шифокор Вафо Амонов суяк синиши ва емирилиши бўйича оғир операция ўтказди, — дейди Дилдора Абдиева. — Бўлимнинг қўли енгил, тили ширин, тажрибали шифокору, ҳамширалари саъй-ҳаракати туфайли уч ойдан сўнг ўзимни қайта туғилгандек ҳис қилмоқдаман. Соғлик бўлсагина олам гўзал кўринар экан. Икки ўғил, бир қизим, турмуш ўртоғим, яқинларим бахтига соғ-омон бўлишни жуда истайман.

Қалбимга дунё гўзалликларини ҳис қилиш ҳиссини янгитдан олиб кирган марказ ходимларига ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдираман.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Тарбия — нозик масала

Жажжи қизалоқларнинг меҳмон-меҳмон ўйинини кузатганмисиз? Митти фаришталарнинг уйга келган меҳмонни катталардек виқор билан кутиб олиши, онасидан яширинча олиб чиққан турли ноз-неъматлар билан дастурхонни безатиб, уларни меҳмон қилиши ҳайратингизни оширади. Бу ҳолат аслида, меҳмонга бориш, меҳмондорчилик қоидалари фақат катталар амал қиладиган бурч ёки фазилат эмас, балки болажонлар учун тарбия воситаси эканлигини ҳам бизга эслатади. Мутахассисларнинг фикрича, боладаги илк салбий одатларни меҳмонга борганда ёки уйга тенгқурлари келганда кўпроқ илғаш мумкин экан. Савол туғилади: болажонларни меҳмонга олиб боришнинг салбий ва ижобий жиҳатлари қандай?

Кичкинтой билан меҳмонга борамиз...

Лайло ТОЙИРОВА,
психолог:

— Аввало, ота-она фарзанди билан меҳмонга бораётганда, хонадон эгалари нима муносабат билан таклиф қилганини, у ерда кимлар бўлишидан болани огоҳ этиш лозим. Ота-онаси наздида ҳар доим мўмин-қобил бола меҳмонга борганда қулоқсиз, бетгачопарга айланади. У дастурхондаги ноз-неъматлардан кўз узолмайди, кетаётганда қандайдир жўяли баҳона излаб, шу уйда қолишга интилади.

Оналарнинг кўпчилиги меҳмонга боришдан аввал, боласига дастурхондаги ширинлигу меваларга рухсатсиз тегинмаслик кераклигини уқтирса-да кичкинтойлар негадир бунинг аксини қилишади. Негаки, болада характер темпераменти тўлақонли такомиллашмагунча ўзини чеклаш хусусияти тўлиқ ривожланмайди. Натижада, бола шоколаднинг ширинлигини ёки меванинг хуштаъмлигини билдими, унга қаерда ўтирганининг фарқи йўқ. Унинг бу фикрини меҳмонлик ва мезбонлик вазифасидаги катталар тўғри ва борича қабул қилганлари маъқул. Аммо катталар меҳмонга борганда, эътибор қаратилиши лозим бўлган тартиб-қоидаларни болага уқтиришлари шарт.

КИМНИНГ БОЛАСИ АЙБДОР?!

Анъанага кўра янги туғилган чақалоққа атаб жонлиқ сўйилади. Ҳаттоки бувиси, аммаси-ю холаси, тоға-ю амакисиникига илк бора борган чақалоққа ҳам катталардек ҳурмат кўрсатилади. Мана шу ҳолатни ғарб давлатлари билан таққослайдиган бўлсак, улар тўрт ёшгача болани меҳмонга олиб боришни буткул тақиқлашади. Уларнинг наздида, бу ёшгача бола иммун тизими тўлиқ ривожланмаган бўлиб, ўзига ҳар хил юқумли касалликларни юқтириши мумкин.

Яқинда саккиз яшар фарзандим билан қариндошимизникига бордик. Мезбоннинг ўғлим тенги фарзанди бор эди. Аввалига улар яхши чиқишиб, ўйнашди. Орадан ярим соатлар ўтгач, болакайларнинг бақир-чақири эшитилди. Ҳовлиқиб хонага кирсак, икки «паҳлавон» муштлашарди...

Камдан-кам она бундай вазиятда ўз фарзандини айбдор деб топади. Аслида, бу вазиятдан қандай чиқиб кетган маъқул?

Навбаҳор УМАРОВА, психология фанлари номзоди:

— Болаларнинг ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган, лекин самимиятга тўла дунёси кишини ҳайратга солади. Она учун фарзанд ҳар нарсадан азиз, лекин унинг ижобий хулқ-атвори мукаммаллик яратишини унутманг. Юқоридаги вазиятда, аввало, оналар одоб қоидалари меҳмон ва мезбон учун бир хил эканлигини, ўзга хонадонда буюмларга рухсатсиз тегмасликни боласига тушунтириши керак. Катталар болалар орасига тушмагани мақбул, «ким айбдор» эканлигини аниқлашга ҳаракат қилиш кичкинтойлар ўртасидаги муносабатни чигаллаштиради.

Бола тенгқури билан тезда ярашиб олади, агар кичкинтой меланхолик темперамент эгаси бўлса, бундай зиддиятларга умри давомида дуч келаверади. Яхшиси, ўртоғи билан жанжаллашиб қолган болани нима биландир чалғитишга ҳаракат қилиш лозим. Ҳар қандай вазиятда ҳам ота-она бошқаларни айбдор санамаслиги ёки «мезбон бола ён босса бўларди», дея фикрламаслиги керак. Иложи борича, она ўзини хотиржам тутиб, тарозининг икки палласига ҳам енгил тошни қўйишга ҳаракат қилсин. Бу эса болани тасодифий қийинчиликларга чидамли, ўз камчилигини тўлақонли кўра оладиган бўлиб вояга етишишида муҳим рол ўйнайди.

ОЙИЖОН, МЕН ЗЕРИКДИМ...

Она қизалоқни дўстининг туғилган кунига олиб келди. Жажжи меҳмон жуда хурсанд, даврада ҳамманинг эътибори унга қаратилган. Биров неча ёшдалигини сўраса, яна кимдир кийимлари жуда ярашганини айтиб мақтайди. Қизалоқ катталарнинг ҳар бир саволига дилдан жавоб қайтараркан, уларнинг мақтовидан руҳланиб қалби завққа тўларди. Негадир хурсандчилик кўпга чўзилмайди. Ҳаял ўтмай, «давра» унга бутунлай бефарқ бўлиб қолади, гўёки уни ҳамма унутади. Аксига олиб, хонадон эгасининг ҳам у билан тенгдош боласи йўқ. Қизалоқ кимнингдир унга «вой, сен хаёлимизда кўтарилиб қолибсан», деб саволларга кўмиб ташлашини жуда-жуда истайди. Аммо...

Шу куни она-болага меҳмондорчилик татимади, қизалоқ тинмай хархаша қилар, «уйга кетамиз, зерикдим» деб онасини ҳол-жонига қўймасди...

Умуман олганда, болани катталар иштирокидаги зиёфатларга олиб бориш у даражада тўғри эмас. Биринчидан, тенгдоши бўлмаса, бу ерда у зерикиши табиий. Иккинчидан, ота-оналар болани катталар суҳбатига қўшиб, муддатидан олдин катталикни даъво қилишидан азият чекишлари мумкин.

ДАНАГИДАН МАҒЗИ ШИРИНМИ?

Буви-буваси қўлида тарбия топаётган болакайлар нисбатан одобли эканлигини кузатганмиз. Бош невара бўлса-ку, омади келгани. Нуронийларнинг бисотидаги энг яхши гаплар, ҳатто камёб совғалар унга тортиқ қилинади. Буви, қайсики амма ёки холаникига отландими, севимли невара ҳам эргашади. Ота-онасини қўяверинг, ҳатто қариндошлар ҳам буви-бувасининг севимли невараси, қанчалик одоб чегарасини бузмасин, у билан эҳтиёткорона муомалада бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича, боладаги камчиликларни ёши улуғлар кам фарқлар экан. Айниқса, у барча неваралар орасидан «сараланган» бўлса. Болаларнинг бувиси билан меҳмонга боргани яхшими, ёки ...

Адолат ЖАМОЛОВА,
75 ёш, меҳнат фахрийси:

— Сир эмас, невараларимизнинг барини яхши кўрсак-да, улар орасида севимлиси бўлади. Бу невара анча тантиқ, эркатой ҳам бўлиши мумкин, аммо бола азиз, тарбияси ундан азиздир. Бир гал неварамни уйда ёлғиз қолдирмаслик учун меҳмонга олиб борганман. У ерда неварам тенгқурлари билан қувлашмачоқ ўйнаб, стол устидаги биллур идишни ерга тушириб юборди. Уй эгаси болаларга дашном берса-да, негадир кўнглим ранжиди. Болалар меҳмонга келиши кутилаётган пайтда қимматбаҳо буюмларни четга олиб қўйганида, балки шундай дилхиралик содир бўлмасмиди...

Шуни ёдда сақлаш керакки, ҳеч қачон кичкинтойга яқинларининг олдида танбеҳ берманг. Боланинг бегонаси бўлмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам боланинг меҳмон эканлигини, азалдан меҳмоннинг катта-кичигига фақат илтифот кўрсатилишини унутмайлик. Меҳмон болалар билан мулоқотда дўстона муҳит яхши. Бу сизга нисбатан болада ва ота-онасида ижобий муносабат уйғотади.

Азалдан меҳмондўстлигимиз, бағрикенглигимиз билан донг таратган халқимиз. Боқий анъаналарга содиқ фарзандларни тарбиялаш учун ўзимиз ўрнак кўрсатганимиз дуруст. Шундай қилишимиз керакки, бола илк ёшиданоқ меҳмон ва мезбон бўлиш қоидаларини ўзлаштириб борсин. Келажакда оила қурганда, буни ўз ҳаётида қўллаши осон кечади.

Навбаҳор РАҲМОНОВА,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти соҳибаси

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov.

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
Z.Rixsiyev
Navbatchi:
A.Arslonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -02.10
Topshirildi -02.40

E-mail:Ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 1015 | 13831 nusxada bosildi | 1 2 3 5